

КИЧИК БИЗНЕСНИНГ КАТТА ИМКОНИЯТЛАРИ

Президенти-миз Ислам Каримов раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар юксак самара бермоқда.



Аъло АБДУЛЛАЕВ (ўса) олган сурат.

Буни пойтахтимизда фаолият юритаётган "Umida Trust Invest" масъулияти чекланган жамияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Мазкур корхонада меҳнат қилаётган ишчиларнинг аксарияти коллеж битирувчиларидир. 2015 йилда иш бошлаган корхонада дастлаб кунига 40-50 тонна туз тайёрланган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 100-120 тоннага етказилди.

Тадбиркор корхона фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида тижорат банкларидан кредит олиб, бежирим қадоқланган, йодланган, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришни режалаштирган. Шунда яна эллик иш

ўрни яратилиб, ишчилар сони саксондан ошди. Бунда касб-ҳунар коллежларини тамомлаган ёшларнинг бандлигини таъминлаш мўлжалланмоқда.

Корхона маҳсулотларига талаб ортимоқда. Ишлаб чиқарилаётган туз йод моддаси билан етарлича тўйинтирилгани боис хориждан ҳам буюртмалар тушмоқда.

Ш.МАМАТУРОВА,
Ўза муҳбири.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судида соҳага тегишли қонунчиликдаги охириги янгилликлар, шунингдек, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича амалга оширилган ишлар, бу борада халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда амалиётга татбиқ этилаётган лойиҳаларни кенг омма эътиборига етказишга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

ТИЗИМДАГИ ЯНГИ ЛОЙИХАЛАР
фаолиятини янада такомиллаштириш ва иш самардорлигини оширишга ҳизмат қилмоқда

Унда Бирлашган Миллатлар Ташкилати Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилатининг лойиҳалари координаторлари, Ўзбекистон савдо-саноат палатаси вакиллари, Олий ҳўжалик суди ва ҳудудий ҳўжалик судлари судьялари иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида юртимизда бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий эътиборини либераллаштириш, тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бу борадаги қонунчиликни янада такомиллаштиришга қаратилган кенг қўламли тадбирлар амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

ЭЪТИБОР ВА ЭЪТИРОФ

ТАДРИЖИЙ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ТАРИХИЙ ОДИМЛАР

Президентимизнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида қайд этилган ва таҳлил этилган ютуқлар барчамизга катта қувонч ва ишонч бағишламоқда.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз жаҳон миқёсида "Ўзбек модели" деб тан олинган ривожланиш стратегияси асосида "Ислохот – ислохот учун эмас, аввало инсон учун" деган тамойилга амал қилган ҳолда улкан мақсадларимизга эришиш учун босқичма-босқич, тадрижий тараққиёт йўлидан бормоқда. Бу йўлнинг нақадар тўғри ва ҳаққоний эканлигини эса тарихан қисқа даврда эришилаётган ютуқлар яққол кўрсатиб турибди. Буни жаҳон ҳамжамияти, нуфузли халқаро институт ва ташкилотлар экспертлари ҳам тан олишмоқда.

Қувонарлиси, ўтган йилда ҳам, юртимизда жаҳон мамлакатларида давом этаётган глобал иқтисодий инқироз жараёнига қарамастан, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8 фоиз, саноат маҳсулотлари

ишлаб чиқариш ҳажми 8 фоиз, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари қарийб 7 фоиз, қурилиш-монтаж ишлари ҳажми салкам 18 фоизга ошди. Аҳоли жон бошига жами реал даромадлар эса 9,6 фоизга кўпайди.

Давлатимиз Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига қўра, 2014-2015 йиллардаги ривожланиш якунлари ва 2016-2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жон олди. 2015 йилда мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилатининг Озик-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилати (ФАО)га аъзо давлатларнинг озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун берилган мукофотида сазовор бўлган

14 та давлатдан бири сифатида эътироф этилди. Буларнинг барчаси фаровон ҳаётимизнинг, юксак тараққиётимизнинг ёрқин ифодаси бўлди. Қишлоқ ҳўжалиги тизимида олиб борилаётган чуқур таркибий ўзгаришлар, омилкор деҳқонлар, тажрибали фермерларимизнинг фидокорона меҳнати эвазига ўтган йили юртимизда 7 миллион 500 миң тоннадан зиёд ғалла, 3 миллион 350 миң тоннадан ортиқ пахта хирмони барпо этилди, 12 миллион 592 миң тонна сабзавот ва картошка, 1 миллион 850 миң тонна полиз маҳсулотлари, 1 миллион 556 миң тонна узум, 2 миллион 731 миң тонна мева етиштиришга эришилди.

Эътиборлиси, соҳага оид фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадларига қаратилган ислохотлар изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, ер майдонларининг оптималлаштирилиши натижасида 17 миң 500 дан ортиқ янги фермер ҳўжалиги ва 250 миңдан зиёд иш ўрни ташкил этилди. Фермер ҳўжалиги-

ни юритиш учун ер майдонлари ажратиш ва тақсимлашнинг янги механизми жорий этилди. Унга мувофиқ, қарорни туман ҳокими эмас, балки Фермерлар кенгаши ва Ер участкалари тақдим этиш масалаларини кўриб чиқиш комиссияси ҳулосаси бўйича халқ депутатлари туман кенгашига қабул қилиши белгиланди.

Эришилган натижалар таҳлилига назар ташлайдиган бўлсак, улар замирида қишлоқ ҳўжалигининг ҳуқуқий асосларини тобора мустаҳкамлашга оид савий-ҳаракатлар самараси яққол кўзга ташланмади. Хусусан, ўтган йиллар давомида соҳани янада ривожлантириш, бу борадаги муносабатларни қонуний жиҳатдан тартибга солишга қаратилган "Фермер ҳўжалиги тўғрисида"ги, "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Деҳқон ҳўжалиги тўғрисида"ги каби Ўзбекистон Республикаси Қонунарига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, "Ветеринария тўғрисида"ги Қонуннинг янги тахрири қабул қилинди.

(Давоми 2-саҳифада)

ер майдонлари ажратиш ва тақсимлашнинг янги механизми жорий этилди. Унга мувофиқ, қарорни туман ҳокими эмас, балки Фермерлар кенгаши ва Ер участкалари тақдим этиш масалаларини кўриб чиқиш комиссияси ҳулосаси бўйича халқ депутатлари туман кенгашига қабул қилиши белгиланди.

Эришилган натижалар таҳлилига назар ташлайдиган бўлсак, улар замирида қишлоқ ҳўжалигининг ҳуқуқий асосларини тобора мустаҳкамлашга оид савий-ҳаракатлар самараси яққол кўзга ташланмади. Хусусан, ўтган йиллар давомида соҳани янада ривожлантириш, бу борадаги муносабатларни қонуний жиҳатдан тартибга солишга қаратилган "Фермер ҳўжалиги тўғрисида"ги, "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Деҳқон ҳўжалиги тўғрисида"ги каби Ўзбекистон Республикаси Қонунарига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, "Ветеринария тўғрисида"ги Қонуннинг янги тахрири қабул қилинди.

(Давоми 2-саҳифада)

ҚУЛАЙ ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ЯРАТИШ КАФОЛАТИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва унинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида келиб чиқадиган устувор вазифаларга бағишланган қўшма йиғилиш ўтказилди.

Унда қайд этилганидек, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ўзининг юксак натижаларини бераётди. Жумладан, юртимизда ўз вақтида қўрилаётган чора-тадбирлар туфайли ялпи ички маҳсулотимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улushi 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56,7

фоизга етди. Ушбу соҳада саноат маҳсулотларининг учдан бир қисми, хусусан, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи ишлаб чиқарилмоқда. Иш билан банд аҳолининг 77 фоиздан ортиғи мазкур тармоқда меҳнат қилмоқда. Жорий йилда бу йўналишдаги чора-тадбирларнинг изчил давом эттирилиши партиянинг ҳам асосий мақсадларидандир.

Давлатимиз раҳбари маърузасида алоҳида таъкидланганидек, "Янги бизнесни қўллаб-қувватлаш" деб аталадиган мезон бўйича мамлакатимиз айтиш пайтада жаҳонда 42-ўринни, тузилган шартномалар ижросини таъминлаш бўйича 32-ўринни, иқтисодий ноҳор корхоналарга нисбатан қўланадиган банкротлик тизимининг самардорлиги бўйича 75-ўринни эгаллаб турибди. "Кичик бизнес субъектларига кредит бериш" деб номланадиган кўрсаткич бўйича Ўзбекистон сўнгги уч йилда 154-ўридан 42-ўринга кўтарилди ва ўтган йилнинг ўзида рейтингини 63 позицияга яхшилади.

– Юртимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларини чуқур ўрганиш ҳамда ушбу вазифалар бутун халқимиз, шу жумладан, партия электорати учун ҳам муҳим аҳамиятга эга, – дейди партиянинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Шўхрат Шарофидинов. – Партиянинг сайловдаги Дастурида қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ҳамда бу борадаги бошқа муҳим вазифаларни бажаришга қаратилган қонунларнинг ижро этилиши устидан парламент, депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтириш вазифаси белгиланган. Хусусан, партия депутатлик корпусини ушбу соҳадаги қонунчиликнинг сўзсиз ижро этилиши, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари билан ўзаро муносабатларда тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича парламент назоратини амалга оширишга катта эътибор қаратмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

Жойларда бўлиб ўтаётган фаоллар йиғилишида Президентимизнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ, ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

фаоллар йиғилишини бошқарган вилоят ҳокими Ш.Абдурахмонов 2015 йилда амалга оширилган ишларни атрофлича таҳлил қилар экан, вилоятда иқтисодий ривожланиш борасида белгиланган режалар муваффақиятли тарзда бажарилганлигини таъкидлади. Жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 22 фоизга ўсди. Бунда енгил, озик-овқат, кимё, қурилиш материаллари, машинасозлик, фармацевтика ҳамда электротехника саноатида янги қувватларнинг ишга туширилганлиги, маҳсулот ишлаб чиқариш турларининг янгиланганлиги муҳим омил бўлди.

Йиғилишда алоҳида қайд этилдики, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида мамлакатимизда қўрилаётган чора-тадбирлар доирасида вилоятда белгиланган режаларнинг ошириб бажарилаётганлиги ўз самараларини бера бошлади. 2015 йилда қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини етиштириш ҳажмининг 108 фоизга етганлиги замирида қишлоқ меҳнаткашларининг шарафли меҳнати акс этиб турибди.

Худудий инвестиция дастури бўйича 56,9 миллион АҚШ доллариллик, шундан 47,3 миллион АҚШ доллариллик тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилиши натижасида 20 та лойиҳа ишлаб чиқаришга татбиқ этилди. Хорижий сармояга асосланган корхоналар 34 тага кўпайди. Чунончи, Анди-

жон шаҳрида "Монолит Дийр", Бўз туманида "Риганд Фарма", Пахтабод туманида "Эстерн Рут Андижан" корхоналари иш бошлади. Эндиликда ташқи инвестицияга асосланган корхоналар сони 121 тага етди.

Экспорт бўйича белгиланган дастурга биноан ўтган йилда 158,1 миллион АҚШ доллариллик маҳсулотлар ва хизматлар бажарилди. Хисобот даврида 45 та корхона экспорт фаолиятига жалб этилиши натижасида 25,1 миллион АҚШ доллариллик маҳсулот ташқи бозорга чиқарилди. Бир қатор хорижий давлатларда 12 та янги савдо уйлари ташкил этилди.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган кенг қамровли чора-тадбирлар боис вилоятда 2015 йилда 70 та давлат мулки 325 миллиард сўм инвестиция киритиш ва 7100 та янги иш ўрни яратилиши билан тадбиркорлик субъектларига "ноль" қийматда берилди. Ҳозиргина ушбу объектларга 40 миллиард сўмдан зиёд инвестиция киритилди ва 500 дан зиёд иш ўрин яратилди.

Фаоллар йиғилишида келгусида амалга оширилаётган устувор вазифалар ва тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.Розуқулов сўзга чиқди.

Қобилжон АСКАРОВ,
"Qishloq hayoti" муҳбири.

БУХОРО ВИЛОЯТИ. Вилоят ҳокими М.Эсонов бошқарган фаоллар йиғилишида 2015 йилдаги иқтисодий таҳлилларга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, ўтган йил якунлари бўйича вилоятнинг ялпи худудий маҳсулоти 7,5 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8 фоизга, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари 7 фоизга, қурилиш-монтаж ишлари ҳажми 11,7 фоизга ошганлиги қайд этилди.

Хусусий мулкдорлар ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатларини кучайтириш ва уларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнеснинг вилоят ялпи худудий маҳсулотидаги улushi 67,4 фоизга, саноатдаги улushi 32,6 фоизга етди. Ўтган йилда 1476 та кичик бизнес субъекти ташкил этилди.

Бандлик дастури доирасида эса 74 миңдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Уларнинг 70 фоиздан ортиғи қишлоқ жойларига тўғри келмоқда. Касб-ҳунар коллежларини битирган 25,6 миң нафар ёшлар ишга жойлаштирилди.

Аграр секторда чуқур таркибий ўзгартиришлар юз

бермоқда. Вилоятда пахта ва ғалла сотиш шартномавий режалари ошириб бажарилди. Мева-сабзавотчилик, бодорчилик, узумчилик ва чорвачилик йўналишларида ҳам ижобий кўрсаткичларга эришилди. Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини саноат йўли билан қайта ишлаш жадал суръатларда ривожланмоқда.

Йиғилишда эришилган ютуқлар баробарида ҳал этилмаган муаммолар ҳам таҳлил қилинди. Хусусан, иқтисодийнинг рақобатбардошлигини тубдан ошириш, экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, кичик бизнес субъектлари ва фермер ҳўжалиklarининг экспортдаги иштирокини ҳар томонлама рағбатлантириш бўйича яқин келажақдаги амалий ишлар белгилаб олинди.

2016 йил – Соғлом она ва бола йилидаги мақсад ва вазифаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимов иштирок этди.

Ҳамроз АЛИ,
"Qishloq hayoti" муҳбири.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ. Вилоят ҳокими С.Исмоилов бошқарган фаоллар йиғилишида Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда жорий йилга

мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган кенгайтирилган йиғилишидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

(Давоми 2-саҳифада)

НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ, ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

(Боши 1-саҳифада)

Ўтган йилги вилоятда ялпи худудий маҳсулотнинг ўсиш суръати 9,1 фоизни ташкил этди. Чунончи, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 13,8 фоизга, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари тайёрлаш 6,2 фоизга, хизмат кўрсатиш 17,8 фоизга, қурилиш ишлари 11,7 фоизга ортди.

Саноат ривожлантириш мақсадида қўйилган 254 миллиард сўм бўлган 213 та лойиҳа амалга оширилди. Хизмат кўрсатиш соҳасида 758 та, қишлоқ ҳўжалиги йўналишида 664 та лойиҳа ҳаётга таъбиқ этилди. Ишлаб чиқариш ривожлантириш, рақобат муҳитини соғломлаштириш мақсадида ўтган йили 13 та

корхонанинг акция ва улушлари оммавий савдоларда сотилди. Мавжуд 18 та акциядорлик жамиятининг ташкилий тузилмаси ўзгартирилди. 5 та корхонада 7 турдаги маҳсулотни маҳаллийлаштиришга эришилди. Биргина "Ёрқин чироқлар" қўша корхонасида йилига 2,5 миллион донга тежамкор светодиод лампалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Мана шундай тадбирлар натижасида ўтган йили вилоятда 44 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди. Фаоллар йиғилишида муваффақиятлар билан бирга камчиликлар ҳам борлиги қайд этилиб, уларга нисбатан тегишли чоралар ишлаб чиқилди.

Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида кечаётган ислохотлар янада чуқурлаштириш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳисобига экинлар ҳосилдорлигини ошириш, саноат салоҳиятини янада юксалтириш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, ёшларнинг билим олиш ва спорт билан шуғулланиш имкониятларини кенгайтириш каби вазифалар устувор этиб белгиланмоқда. Йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бosh вазирининг ўринбосари У.Розуқулов сўзга чиқди. **Алижон АБДУСАТТОРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.**



ҚУЛАЙ ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ЯРАТИШ КАФОЛАТИ

(Боши 1-саҳифада)

Давлатимиз раҳбарининг маърузасида жорий йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 7,8 фоиздан иборат бўлишини таъминлаш, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 8,2 фоиз, қишлоқ ҳўжалигида 6,1 фоизга ошириш, чакана савдо айланмасини 14 фоиз, хизматлар кўрсатиш ҳажминини 17,4 фоизга кўпайтириш вазифаси қўйилди. Иқтисодиётимизни ривожлантириш, модернизация қилиш ва тар-

кибли ўзгаришларни амалга ошириш учун 17 миллиард 300 миллион доллар қийматидаги инвестициялар йўналтириш, уларнинг ўсиш суръатини 109,3 фоизга етказиш белгиланди. Ана шу инвестицияларнинг 4 миллиард доллардан ортигини хорижий инвестициялар ташкил қилади, бу эса 2015 йилга нисбатан 20,8 фоиз кўпдир. Тадбир иштирокчилари таъкидлаганидек, мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация

қилиш, иқтисодиётда, аввало, саноат ва қишлоқ ҳўжалигидаги таркибий ўзгаришларни давом эттириш, хусусий мулк, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш ва макроиктисодий мутаносибликни таъминлаш масалалари партиянинг устувор вазифалари бўлиб қолади. Йиғилишида муҳокама қилинган барча масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди. **Озод ОЧИЛОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.**

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ.

Наманганда 2015 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокими Х.Бозоров бошқарган йиғилишида асосий эътибор давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлашга қаратилди.

Таъкидландики, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида олиб борилаётган изчил ислохотлар самараси Наманган вилотида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Хусусан, 2015 йилда ялпи худудий маҳсулот ҳажми 8,7 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 14, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш 5,9, капитал қўйилмалар 5,9, қурилиш-монтаж ишлари 11,1, чакана савдо айланмаси 12,9, жами хизматлар қўлами 13,2 фоиз ўсди.

Хизматлар даврида 1650 дан ортиқ янги кичик бизнес субъекти ташкил этилиб, уларнинг умумий сони 15 минг 731 тага, вилоят ялпи худудий маҳсулотидagi улуши 80,2 фоизга, саноатдаги улуши эса 61,9 фоизга етди. 70 га яқин корхона томонидан 127,8 миллион долларлик маҳсулот ва хизматлар экспорт қилинди.

Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан 504 миллиард сўмдан зиёд кредит маблағлари ажратилди.

Бюджет маблағлари ҳисобидан 88 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Жумладан, 5 сонлиқни саклаш муассасаси, 19 умумтаълим мактаби, 8 касб-хўнар коллежи, 16 болалар спорт иншооти, жами 89 ижтимоий объект қурилди, фойдаланишга топширилди. 34 қишлоқ аҳоли пунктида тоза ичимлик суви таъминоти яхшиланди.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ.

Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилда амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифаларга бағишланган фаоллар йиғилишини Самарқанд вилоти ҳокими З.Мирзаев бошқариб борди.

Унда таъкидланганидек, 2015 йил мобайнида вилоятни ижтимоий иқтисодий ривожлантириш бўйича белги-ланган прогност кўрсаткичларини бажариш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 113,8 фоизга бажарилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ишлаб чиқаришдаги улуши 77,9 фоизни ташкил этди. Янги ташкил этилган иш ўринлари 94 минг 639 тага етказилди. Қишлоққа саноатни олиб кириш, иқтисодиёт тармоқларига инвес-

тициялар жалб қилиш, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш турлари ва сифатини ошириш борасида белги-ланган вазифалар уҳдаланди. Аграр тармоқда ҳам ортда қолган йил давомида муайян ютуқларга эришилди. Фаллачилик бўйича ўртача ҳосилдорлик 62 центнерга етказилди. Давлатга 228,5 тонна пахта сотилди. Чорвачилик, паррандчилик, асаларичилик ва балиқчилик тармоқларида ҳам изчил ўсиш суръатлари кузати-лмоқда. 2015 йилда 1 минг 968 гектар майдонда янги интенсив боғлар яратилди ва уларнинг умумий майдони 7 минг 968 гектарга етказилди. Шунингдек, ўтган йилда бунёдкорлик ишлари янада кенгайди. 112 та аҳоли пунктида ичимлик суви объек-тлари қурилиши учун 76,2 ки-

лометр сув тармоғи, 62 резервуар ва сув минораси, кудуқлар қазилди. Бу 78,1 минг аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш имконини берди. 36 километр халқаро аҳамиятдаги автомобиль йўллари реконструкция қилинди, қишлоқ жой-лардаги 74,9 километр ҳўжалиқлараро йўллар таъмирланди. Намунавий лойиҳалар асосида 1 минг 235 ўй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Йиғилиш давомида эришилган ютуқлар билан бирга камчиликлар борлиги қайд этилиб, бу борада тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Самарқанд вилоти фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.Розуқулов сўзга чиқди. **Нуриддин БОЛИЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири.**

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

фаоллари йиғилишида Президентимизнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Вилоят ҳокими Ш.Фаниев бошқарган йиғилишида худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар натижалари ва йўл қўйилган камчиликлар чуқур таҳлил қилинди.

Қайд этилганидек, ўтган йили ялпи худудий маҳсулот ишлаб чиқариш 8 фоизга, саноат маҳсулотлари ҳажми 12,7 фоизга, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 13,1 фоизга, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари тайёрлаш 7 фоизга, қурилиш-монтаж ишлари эса 13 фоизга ўсганлиги қайд этилди. Шунингдек, ялпи худудий маҳсулот таркибида кичик бизнеснинг улуши 63,2 фоизга етди, бугунги кунда иш билан банд аҳолининг 80,2 фоизи кичик бизнес соҳасида фаолият кўрсатмоқда.

Вилоятда саноат корхоналарини модернизация қилиш, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада кенгайтиришга қаратилган кенг қўламли ишлар самарасида 2,1 триллион капитал маблағлар жалб қилинди. Бу маблағларнинг 75 фоизи иш-

лаб чиқаришни модернизациялаш, замонавий техника ва технологияларни сотиб олишга йўналтирилди. Ўтган йилда вилоятда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари сони 2260 тага кўпайди. Бугунги кунда вилоятдаги мазкур тизимда 18 минг 775 та субъект фаолият кўрсатмоқда. Шу йилнинг 1 январидан бошлаб кичик бизнес субъектларига янада қулай шарт-шароитлар яратилди. 4 та шаҳар ва 15 та туманда тадбиркорларга 16 хил турдаги давлат хизмати кўрсатувчи "Ягона дарча" тамойили асосида ишловчи марказлар фаолияти йўлга қўйилди. Жозибдор инвестиция муҳити яратишга қаратилган эътибор самарасида ўтган йили 29 та хорижий инвестициявий корхоналар ташкил этилиб, уларнинг сони 152 тага етди, 32 турдаги маҳсулотни экспортга чиқариш йўлга қўйилди. Бугунги кунда вилоятдаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган 147 турдаги маҳсулот ҳажонининг 100 га яқин мамлакатларига экспорт қилинмоқда. Йиғилишида эришилган ютуқлар билан бирга йўл қўйилган камчиликлар ҳам атрофлича муҳокама этилиб, уларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди. Фарғона вилоти фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ф.Ибрагимов сўзга чиқди. **Ҳамиджон БУРҲОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.**

ТИЗИМДАГИ ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР

(Боши 1-саҳифада)

Хусусан, Юртбошимизнинг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсқинларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони билан тасдиқланган чора-тадбирлар дастурида хусусий тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилишда суд органлари ролини кучайтириш назарда тутилган. Ҳў ўрнда, ушбу фармон асосида 2015 йил 20 августда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлида ҳамкорлик тўсқинларни бартараф этишга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг қонунчилик ташаббуси билан ҳўжалик судларида ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ва қўллагашга қаратилган ҳўжалик процессуал қонунчилик изчил такомиллаштирилиб бори-лмоқда. Бунинг натижасида бугунги кунда суд муҳокамаси иштирокчилари электрон шаклда даъво аризаларини судга ўнатиш, суд ҳужжатларини олиш ҳамда суд мажлисида видеоқонференцалоқа тизими орқали масофадан қатнашиш имкониятларидан тўлиқ фойдаланишмоқда.

Ахборот технологияларини самарали жорий этиш борасидаги ҳўжалик судларининг фаолияти юқори баҳоланиб, "ICTWEEK Uzbekistan – 2015" ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги якунига кўра, Ўзбекистон республикаси Олий ҳўжалик суди "Ахборот технологияларини жорий этишнинг амалий натижалари учун" номинацияси бўйича голиб деб топилди. Бу борадаги фаолиятнинг янада такомиллаштириш юзасидан эса қатор ишлар олиб бори-лмоқда. Хусусан, 2015 йилда мамлакатимизда самарали бошқарувни амалга оширишда кўмаклашиш йўналишида фаолият кўрсатаётган АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) ва БМТ Тараққиёт дастурининг "Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик" қўша лойиҳаси томонидан Олий ҳўжалик суди ва Тошкент вилоят ҳўжалик судининг учта суд залига суд муҳокамасини аудио-видео қайд этиш имконини берувчи техник усуналар ўрнатилди.

Аудио-видео қайд этиш тизими жорий этилиши ҳўжалик процессини соддалаштириш, суд иш юритувчининг оптималлаштириш ва автоматлаштириш, пировардида, ҳўжалик процессининг самарадорлиги ҳамда очкичларини таъминлаш имконини беради. Шунингдек, истиқболда суд мажлиси баённомасини қоғоз шаклида тузиш заруратини туғдирмайд.

Ушбу тизимнинг имкониятлари билан ҳўжалик судлари, судья ва ходим-

ларини таништириш ҳамда унда ишлаш кўникмаларини шакллантириш мақсадида олий ҳўжалик суди томонидан махсус тренинг ташкил этилди. Тренинг натижаси бўйича 59 нафар судья, суд мажлиси котиблари ҳамда ахборот технологиялари бўйича мутахассисларга сертификатлар топширилди.

Анжуманда Олий ҳўжалик суди ҳамда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари Координатори ҳамкорлигида 2015 йилда "Ўзбекистон Республикаси ҳўжалик судларининг ахборот-технологик салоҳиятини такомиллаштиришда кўмаклашиш" лойиҳаси доирасида амалга оширилган ишлар ва келгусидаги режалар хусусида алоҳида тўхталиб ўтилди.

Тадбирда, шунингдек, янада кенг эркинлик бериш, хусусий мулк устуворлигини таъминлаш, унинг ҳўқуқий муҳофазасини кучайтириш, корхоналарнинг молия-ҳўжалик фаолиятига давлат ва назорат қилувчи идоралар аралашувини камайтиришга оид 2015 йилда қабул қилинган қонунлар ва бошқа норматив-ҳўқуқий ҳужжатлар нормалари юзасидан батафсил тушунтиришлар берилди.

Тадбир доирасида аудио-видео қайд этиш тизими имкониятлари билан иштирокчиларни яқиндан таништириш мақсадида кассация инстанцияси судининг янги залига ташриф уюштирилди.

Лаофат БҮРИЕВА

Қорақалғоғистон Республикаси

СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун қулайликлар яратмоқда

Нуксуда мамлакатимиз солиқ қонунчилиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳияти ва аниқликларини солиқ тўловчиларга етказиш мақсадида семинар ташкил этилди.



Туман ва шаҳар солиқ инспекциялари ходимлари, тадбиркорлик субъектлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган мазкур семинарда солиқ ва бюджет сиёсатининг 2016 йилга мўлжалланган йўналишлари, солиқ қонунчилигида киритилган ўзгариш ва қўшимчалар бўйича атрафлича маълумот берилди.

Таъкидланганидек, Президентимизнинг 2015 йил 22 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроектисодий кўрсаткичларини прогностини ва Давлат бюджетни параметрлари тўғрисида"ги қарори асосида юртимизда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, аҳолининг реал даромадларини ошириш мақсадида қатор солиқ ва мажбурий тўловларнинг ставкалари пасайтирилиб, қонун ҳужжатларига асосан берилган имтиёзлар мuddати узайтирилди. Хусусан, микрофирмалар

ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 2015 йилдаги 6 фоиздан 1 фоизга пасайтирилган бўлса, бохона расмийлаштируви бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар (бохона брокерлари) учун ягона солиқ тўлови ставкаси ҳам 1 фоизга камайтирилиб, 5 фоиз қилиб белгиланди. Эътибор эғиш жоизки, ягона солиқ тўлови ставкасининг камайиши ҳисоби-га микрофирмалар ва кичик корхоналар иштирокида қўйилган 58,4 миллиард сўм маблағ қолиши кутил-моқда. Тадбиркорлик фаолияти-

ни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар учун фойда солиғи, мол-мулк солиғи ва микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ҳамда Республика йўл ҳағмармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этиш тарзидаги имтиёзларини, шунингдек, тўзимачилик саноати корхоналари учун мол-мулк солиғи тўлашдан озод этиш бўйича берилган имтиёзнинг мuddатлари 2018 йилнинг 1 январига қадар узайтирилди. Яқка тартибдаги тадбир-

ТАДРИЖИЙ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ТАРИХИЙ ОДИМЛАР

(Боши 1-саҳифада)

Ўз ўрнида, айни пайтда ҳам парламент куйи палатаси томонидан тармок фаолиятининг қонунчилик асосларини янада мустаҳкамлаш мақсадида бир қатор қонунлар устида иш олиб бори-лмоқда. Шунингдек, уларнинг ижросини назорат қилиш юзасидан ҳам аниқ чора-тадбирлар кўри-лаёт.

Сир эмаски, тез суръатлар билан ривожланиб бораётган глобаллашув жараёнида, жаҳон бозорида рақобат курашининг кескинлиги кучайиб бораётгани бугунги кунда ҳар қайси давлат, ҳар қайси халқ олдига ўта муҳим ва долзарб талабларни қўймоқда.

Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида 2016 йил ва ундан кейинги даврларга мўлжалланган вазифалар хусусида тўхталар экан, 2030 йилга бориб мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажминини камида 2 баробар ошириш мақсади-ни белгилаб берди.

Бунга эришишда, албатта, аграр тармоққа ҳам кўп жиҳатлар боғлиқ. Шу ўринда, маърузада қишлоқ ҳўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ва таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш 2016 йил ва яқин истиқболга мўлжалланган иқтисодий дастуримизнинг принципиал муҳим йўналиши эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Бу жараёнда парламентнинг, хусусан, қонунчилик палатаси депутатларининг олдига ҳам кўплаб масъулиятли вазифалар туради. Уларни амалга оширишда эса замон талаблари асосида фаолиятни йўлга қўйиш, қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил тадбирларини мунтазам ташкил этиш муҳим саналади.

Тўлқин ЭШНАЗАРОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси раиси.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Экологик ҳаракати ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экоҳаракат депутатлари гуруҳининг 2015 йилдаги фаолияти таҳлили ва истиқболдаги режаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ

Тадбирда таъкидланганидек, юртимизда атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофазаси бўйича қонунчиликни янада такомиллаштириш, фуқароларимизнинг экологик маданиятини юксалтириш, экологик таълим-тарбия тизимини ривожлантириш, соҳада халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, атроф-муҳит муҳофазаси ва тиббиёт соҳасидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш каби кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтган йил давомида атроф табиий муҳит муҳофазаси ва шу мақсадларга ажратилган ресурслардан бора-сида қабул қилинган ҳужжатлар ижросида давлат органлари, жамоатчилик ва бошқа тузилмалар масъулиятини ошириш мақсадида Экоҳаракат томонидан 60 дан зиёд тадбирлар ташкил этилди, – дейди Ўзбекистон Экологик ҳаракати Марказий Кенгаши ижроия қўмитаси раиси Б.Алихонов. – Шунингдек, аҳолининг экологик ва тиббий маданиятини юксалтириш, экологик таълим-тарбия тизимини ривожлантиришда оила ва маҳаллаларнинг роли каби долзарб масалаларни қамраб олган 100 га яқин тадбирлар ўтказилди.

Ўтган йилда Экоҳаракатнинг "Ишонч телефони"га келиб тушган мурожаатларнинг 70 фоиздан ортиғи соҳага алоқадор вазирлик ва идоралар, жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви ҳамда ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда ижобий ҳал этилди. Шунингдек, мурожаатларни жойида ўрганиш мақсадида 100 дан ортиқ экологик рейдлар ташкил қилинди. Экоҳаракатнинг "Ёшлар қаноти" фаолияти доирасида ёшларнинг экологик ва эстетик маданиятини юксалтириш мақсадида "Юртимизни обод қилайлик" шиорини остида 90 дан ортиқ тадбирлар ташкил этилиб, унга 15 минг нафарга яқин ёшлар қамраб олинди.

Тадбирда қайд этилганидек, табиат ва атроф-муҳитни муҳофазасида қилиш нафақат мутасадди ташкилотларнинг, балки ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир. Келгусида белгиланган устувор вазифаларда ҳам айни шу жиҳатлар муҳим тамойил бўлиб қолади.

Давуд АБИБУЛЛАЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

М.АСҚАРОВА



Қашқадарё Вилояти

ЗАМОНАВИЙ ШИФРОХОНАДА БАРЧА ҚУМАЙЛИКЛАР БОР

Нишон туманидаги кўп тармоқли марказий поликлиника биноси қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

Ушбу тиббиёт муассасасида аввал мавжуд бўлган бўлимлардан ташқари, диагностика маркази ва лаборатория ҳам ўз фаолиятини бошлади. 250 қатновга мўлжалланган поликлиника иккита ультратовуш ускунаси ва ошқозон ичак касалликларини аниқлашда ёрдам берадиган замонавий жиҳоз ҳамда бошқа тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди.

Барча хоналар мебель ҳамда замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланди, – дейди туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Икром Бозоров. – Ушбу янги асбоб-ускуналар аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш баробарида шифокорларимиз меҳнатини ҳам энгиллаштирмоқда.

Кўп тармоқли марказий поликлиникада 37 нафар шифокор ҳамда 42 нафар ҳамшира фаолият кўрсатмоқда. Яқин кунларда тиббиёт муассасаси “Саломатлик-3” лойиҳаси доирасида янги ренгтен аппарати, бош мия ҳамда кўрак касаси билан боғлиқ касалликларни аниқлашда кўмак берадиган замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланди.

Хусан ТЕМИРОВ



Наманган Вилояти

ЁШЛАРГА ЎРНАК БЎЛДИ

Поп туманидаги Олтинкон шаҳарчасида истикомат қилувчи 70 ёшли Собиржон Авлонов “Агробанк”дан 30 миллион сўм кредит олиб, маиший хизмат кўрсатиш мажмуасини ишга туширди.

Икки қаватли замонавий мажмуада савдо дўкони, гўзаллик салони, пайнет хизматлари фаолият кўрсатмоқда. Энг муҳими, бу ерда ўн киши ишли бўлди. Уларнинг беш нафари коллеж битирувчиларидир.

Шаҳарчининг яна бошқа тadbиркорлари Рифат Ғозихонев ҳамда Искандаржон Хўжаходоновлар ҳам Халқ банкдан олинган 33 миллион сўм маблағ ҳамда ўз жамғармалари эвазига ана шундай кўрак бино барпо этишди. Натияжада бу ерда ҳам 11 киши ишли бўлди.

Равшанбек МИРЗОЛИМОВ



Фарғона Вилояти

ИШБИЛАРМОН ИЗЛАНИШДАН ТЎХТАМАЙДИ

Марғилон шаҳридаги “Марғилон асл мебель жиҳозлари” оилавий корхонаси раҳбари Алишер Ҳакимов дастлаб фаолиятини ёғочсозликдан бошлаган эди. Яратилган кулай ишбилармонлик муҳити унга оилавий корхона ташкил этиш имконини берди.

Ўтган уч йилда корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар тури 6 тага етди. Ҳозирда корхонада стол-стул, мебель жиҳозлари, ошхона буюмлари учун жавонлар, ёғоч ва ақа эшик ромлари тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилмоқда. Корхона даромади йилдан йилга ўсиб, фаолият ривожланаётгани кўшимча иш ўринлари яратишга ҳам асос бўлмоқда. Корхонада касб-хўна колледжлари битирувчиларининг амалиёт ўташлари учун ҳам шариотлар яратилган.

Иزلанувчан тadbиркор ойнага гул боши жараёнини ҳам корхонада фаолиятда синаб кўрди. Хонадонларни безашнинг ушбу усули ҳам харидорларнинг қизиқишларига сабаб бўлди.

Этиборлиси, оилавий корхонанинг янгиликка интилувчан жамоаси бу муваффақиятлар билан эканлиб қолаётгани йўқ. Корхона вакиллари қонунда белгиланган солиқлардаги имтиёз ҳамда энгилликлардан фойдаланиб, даромаднинг янгиликларни ўзлаштиришга йўналтирмоқдалар. Шу кунларда Алишер Ҳакимов яна бир режани амалиётга татбиқ этиш ҳаракатида. Яъни тadbиркор ўз сармоясига эвазига савдо дўкони ҳам ташкил этмоқчи.

Мадамжон СОЛИЖОНОВ



Андижон Вилояти

БОЗОР ОБОД – ЮРТ ОБОД

Пахтабод тумани марказида қайта қурилатган деҳқон (озик-овқат) бозорининг асосий қисми ишга тушди.

Беш ярим мингдан зиёд растанга ўз ичига олган очик павильонда нон, сут, мева, сабзавот, полиз, зиравор маҳсулотлари сотилиши йўлга қўйилди. Гўшт павильонда эса 30 та дўкон фойдаланишга топширилди.

Растанлар оралиғи кенг. Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига мос. Сотувчи ва харидорлар учун барча қулайликлар мавжуд.

Бозорнинг иккинчи навбатига полиз маҳсулотлари учун павильон, озиқ-овқат ва ноозик-овқат дўконлари қурилиши шу йилнинг июнь ойида тугалланди, – дейди “Исломбек автохамроқ сервис” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Акрамжон Мухаммаднўзов. – Жорий йил охиригача яна 100 та турғун савдо, маиший хизмат, ошхона ва ўкув марказлари бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилади. Ушбу бунёдкорлик ишларига тижорат банклари томонидан кредит маблағлари йўналтирилмоқда.

Умиджон МАМАРАСУЛОВ

БАРЧА ТУРДАГИ КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ ЖАМҒАРМАСИНИ БОШҚАРИШ ДЕПАРТАМЕНТИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Лот-11-1: “Бухоро вилояти Жондор ва Ромитан туманларида коллектор-дренаж тармоқларини қуриш”.

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи: ҚҚСсиз 4 222 292 298 сўм. Ишларни тугаллаш муддати – 17 ой.

Лот-11-2: “Бухоро вилояти Когон тумани “Кўнгирот” коллектори 7-17 тармоғининг ПК0+45 ва Ғиждувон тумани “Чорбоғ” коллекторининг ПК73+20 даги қувурли ўтиш жойларини реконструкция қилиш”.

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи: ҚҚСсиз 1 411 806 079 сўм. Ишларни тугаллаш муддати – 10 ой.

Лот-11-3: “Сирдарё вилояти Мирзобод тумани хўжаликларидида коллектор-дренаж тармоқларини қуриш”.

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи: ҚҚСсиз 2 046 088 105 сўм. Ишларни тугаллаш муддати – 15 ой.

Лот-11-4: “Сирдарё вилояти Ховос туманидаги “Еттисой” коллектори тизимида коллектор-дренаж тармоқларини қуриш”.

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи: ҚҚСсиз 1 863 299 430 сўм. Ишларни тугаллаш муддати – 15 ой.

Лот-11-5: “Фарғона вилояти Ёзёвон туманидаги “Коратепя” СИУ ҳудудида ёпиқ горизонтал дренаж тармоқларини қуриш”.

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи: ҚҚСсиз 578 153 419 сўм. Ишларни тугаллаш муддати – 6 ой.

Лот-12-1: “Қашқадарё вилояти Косон тумани “Октепа-Норин-Гулбоғ”, “Обихаёт-АН”, СИУлар ҳудудида коллектор-дренаж тармоқларини реконструкция қилиш ва қуриш”.

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи: ҚҚСсиз 4 335 437 771 сўм. Ишларни тугаллаш муддати – 16 ой.

Лот-12-2: “Қашқадарё вилояти Нишон туманидаги “Мироб” СИУ ҳудудида коллектор-дренаж тармоқларини реконструкция қилиш ва қуриш”.

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи: ҚҚСсиз 2 695 571 943 сўм. Ишларни

тугаллаш муддати – 15 ой.

Лот-12-3: “Қашқадарё вилояти Миришкор тумани “Янгибод” ва “Янгибод-Кайнар-булоғи” СИУлар ҳудудида коллектор-дренаж тармоқларини қуриш”.

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи: ҚҚСсиз 1 151 671 612 сўм. Ишларни тугаллаш муддати – 16 ой.

Лот-12-4: “Бухоро вилояти Когон туманида “Параллел” туманларо коллекторини реконструкция қилиш”.

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи: ҚҚСсиз 2 426 954 991 сўм. Ишларни тугаллаш муддати – 8 ой.

Лот-12-5: “Хоразм вилояти Хива туманидаги “Гаукўл” ва “Пишканак” очик коллекторларини ёпиқ коллекторларга айлантириш”.

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи: ҚҚСсиз 838 963 776 сўм. Ишларни тугаллаш муддати – 6 ой.

Лот-13-1: “Корақалпоғистон Республикаси Эллиқалъа туманидаги “КТ-2” хўжаликларо коллекторини реконструкция қилиш”.

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи: ҚҚСсиз 2 417 086 270 сўм. Ишларни тугаллаш муддати – 15 ой.

Лот-13-2: “Корақалпоғистон Республикаси Амударё туманидаги “Қилчбой” хўжаликларо коллекторини реконструкция қилиш”.

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи: ҚҚСсиз 1 794 130 286 сўм. Ишларни тугаллаш муддати – 12 ой.

Лот-13-3: “Бухоро вилояти Пешку туманидаги “Халач” хўжаликларо коллекторини реконструкция қилиш (2-босқич)”.

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи: ҚҚСсиз 2 443 119 545 сўм. Ишларни тугаллаш муддати – 23 ой.

Лот-13-4: “Бухоро вилояти Ғиждувон, Пешку ва Шофиркон туманларида коллектор-дренаж тармоқларини қуриш”.

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи: ҚҚСсиз 995 332 725 сўм. Ишларни тугаллаш муддати – 6 ой.

Лот-13-5: “Навоий вилояти Навбахор ва Қизилтепа туманларидаги вертикал дренаж қудуқларни реконструкция қилиш”.

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи: ҚҚСсиз 428 371 183 сўм. Ишларни тугаллаш муддати – 6 ой.

Лот-14-1: “Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги “Шўралисой” туманларо коллекторини реконструкция қилиш”.

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи: ҚҚСсиз 3 478 596 561 сўм. Ишларни тугаллаш муддати – 16 ой.

Лот-14-2: “Тошкент вилояти Чиноз, Оққўрғон ва Қуйи Чирчиқ туманларидаги “СР-5”, “Шўрсой”, “Ватан” ва “Чегарапахтачи” хўжаликларо коллекторларини иншоотлари билан бирга реконструкция қилиш”.

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи: ҚҚСсиз 1 147 594 798 сўм. Ишларни тугаллаш муддати – 10 ой.

Лот-14-3: “Андижон вилояти Марҳамат тумани М.Тожибоев номи СИУ ҳудудидаги коллектор-дренаж тармоқларини реконструкция қилиш”.

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи: ҚҚСсиз 1 048 598 548 сўм. Ишларни тугаллаш муддати – 15 ой.

Лот-14-4: “Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги “ПД-3” хўжаликларо коллектор-дренаж тармоқларини қуриш”.

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи: ҚҚСсиз 468 168 676 сўм. Ишларни тугаллаш муддати – 8 ой.

Лот-14-5: “Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги “Ўтарчи” коллекторини (ПК 207+80) “Анхор” канали билан кесишган жойидаги қувурли ўтиш жойини реконструкция қилиш”.

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи: ҚҚСсиз 252 601 353 сўм. Ишларни тугаллаш муддати – 4 ой.

Лот-15-1: “Жиззах вилояти Зафаробод тумани Й.Охунбоев номи СИУ ҳудудида ёпиқ горизонтал дренаж тармоқларини қуриш”.

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи: ҚҚСсиз 860 607 415 сўм. Ишларни тугаллаш муддати – 10 ой.

Лот-15-2: “Жиззах вилояти туманларида қузатув тармоқларини қуриш (352 дона)”.

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи: ҚҚСсиз 401 453 919 сўм. Ишларни тугаллаш муддати – 8 ой.

Лот-15-3: “Сурхондарё вилояти Музработ туманидаги “К-2-7-1-6” коллекторини реконструкция қилиш ва гидро-техник иншоот қуриш”.

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи: ҚҚСсиз 334 993 060 сўм. Ишларни тугаллаш муддати – 6 ой.

Марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига молиялаштирилган объектларда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун ўтказиладиган танлов савдоларига Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган қурилиш ташкилотларининг иштирок этишларига ружсат этилади.

Қиймати 500 000 000,0 сўмгача бўлган объектлар бўйича танлов савдолари фақат кичик биз-нес субъектлари ўртасида ўтказилади.

Қурилиш ишларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Чуғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш Департаменти.

Буюртмачи манзили: Тошкент шаҳри Истиклол кўчаси 29-уй. Тел: 239-15-56.

Савдо ташкилотчиси: Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент вилояти ҳудудий консалтинг маркази.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар куйидаги талабларга жавоб беришлари керак: улар танлов савдолари предмети қийма-

тининг 20 фоизи миқдоридидаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома-муомала ҳужуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўқшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида иштирок этувчи маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов тақлифларини баҳолашда маҳаллий пудратчи-ларга қуйидаги баҳолаш имтиёзлари кўзда тутилади: иштирокчиларнинг тижорат тақлифлари тенг шартларга келтириш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ қўйилган қиймат солиғидан озод қилинадиган импорт қилувчилар, импорт товарлар етказиш бериш (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш)даги тендер тақлифлари иштирокчиларнинг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатилган солиқ суммасини қўшган ҳолда ҳисобланади.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси – Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин: Тошкент шаҳри Навоий кўчаси 18-уй 311-хона. Тел: 241-15-32, факс: 241-15-26.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 150 000 (бир юз эллик минг) сўм.

Тақлифлар (офёрталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридидаги манзилда қабул қилинади.

Тақлифлар (офёрталар)ни танлов савдолари ташкилотчига тақдим этишнинг охириги муддати – офёрталар очилиши кунни ва соатиғача.

Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан кейин 15 кундан сўнг юқоридидаги манзилда ўтказилади.

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

24-СОНЛИ ҚУРИЛАЁТГАН КОРХОНАЛАР БИРЛАШГАН ДИРЕКЦИЯСИ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. “Навоий вилояти Конимех туманидаги Ўнг қирғоқ каналини Конимех каналига қайта улаш”.

Буюртмачининг бошланғич нархи: ҚҚСсиз 3 349 577 472 сўм, ҚҚС билан 4 019 492 967 сўм. Қурилиш муддати – 13 ой.

2. “Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги “Навоий” насос станцияси-га сув олиб борувчи канални реконструкция қилиш ва тўсувчи иншоотлар қуриш”.

Буюртмачининг бошланғич нархи: ҚҚСсиз 2 401 529 288 сўм, ҚҚС билан 2 881 835 145 сўм. Қурилиш муддати – 16 ой.

3. “Навоий вилояти Хатирчи тумани А.Ёрлақабов массивидаги “Учқора” насос станцияси орқали суғориладиган фермер хўжаликлари ерларининг суғориш тармоқларини реконструкция қилиш”.

Буюртмачининг бошланғич нархи: ҚҚСсиз 2 440 201 387 сўм, ҚҚС билан 2 928 241 664 сўм. Қурилиш муддати – 23 ой.

Лойиҳаларни молиялаштириш давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танловда барча кўрсаткичлар тенг бўлган ҳолатларда кичик бизнес субъект-ларига астуллик берилади.

Буюртмачи: 24-сонли Қурилатган корхоналар бирлашган дирекцияси.

Манзил: Навоий шаҳри Низомий кўчаси 24-уй.

2014 йил 1 июлдан бошлаб марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига молиялаштирилган объектларда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун ўтказиладиган танлов савдоларига фақат Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган қурилиш ташкилотларининг иштирок этишларига ружсат берилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар куйидаги шартларга жа-

воб бериши керак: танлов савдолари предметиинг 20 фоизи миқдоридидаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолат-номасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик – муомала ҳужуқий лаёқат ва ва-колатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов тақлифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун куйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчилари-нинг тақлифларини баҳолаш жараёнида танлов тақлифларида четдан ишлар (хиз-матлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга муво-фиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, тақлиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжат-ларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Қурилишда тан-лов савдолари ва нархларни шаклланти-риш Навоий вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Навоий шаҳри Гвасалия кўчаси 2а-уй. Тел/факс: (0-4375) 225-49-96, 225-47-98.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 100000 сўм.

Тақлифлар (офёрталар)ни савдо таш-килотчисига тақдим этишнинг охириги муддати – офёрталар очилиши кунни ва соати.

Тақлифлар (офёрталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилган кундан бош-лаб 30 кундан кейин Навоий шаҳри Халқ-лар дўстлиги кўчаси 77а-уйда ўткази-лади.

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТ ҚУРИЛИШИ БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Шахрисабз шаҳри Тўзтор маҳалла-сида марказий оқова сув тармоқлари қурилиши.

Объектнинг бошланғич нархи: ҚҚС билан 1.206.627.765 сўм, ҚҚСсиз 1.005.523.138 сўм. Қурилиш тугаллаш муддати – 5 ой.

Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш – Республика бюджет-ни маблағлари ҳисобидан амалга оши-рилади.

Буюртмачи: Қашқадарё вилояти ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси.

Манзили: Қарши шаҳри “Ўзбекистон овози” газетаси кўчаси 3-уй. Телефон: (0-375) 227-18-51, 227-13-51.

2014 йил 1 июлдан бошлаб марказлаш-тирилган капитал қўйилмалар ҳисобига молиялаштирилган объектларда қури-лиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун ўтказиладиган танлов савдоларига фақат Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган қурилиш ташкилот-ларининг иштирок этишларига ружсат бе-рилади.

Давлат бюджетни ва бошқа марказлаш-ган маблағлар ҳисобидан молиялаштири-ладиган объектлар бўйича бошланғич қий-мати 500 млн. сўмдан юқори бўлган янги қурилиш ва капитал реконструкция қили-надиг

